

**ЎСИМЛИК МОДДАЛАРИ КИМЁСИ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**

**DSc. 02/30.01.2020.К/Т.104.01 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

---

**ЎСИМЛИК МОДДАЛАРИ КИМЁСИ ИНСТИТУТИ**

**АЗИЗОВ ДОНИЁР ЗОКИРЖАНОВИЧ**

***FERULA KUHISTANICA* ВА**

***F. TENUISECTA* АРАБИНОГАЛАКТАНЛАРИ**

**02.00.10 – Биоорганик кимё**

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент-2023**

УЎТ 547.917

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси авторефератининг мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of Doctor of Philosophy (PhD)**

**Азизов Дониёр Зокиржанович**

*Ferula kuhistanica* ва *F. tenuisecta* арабиногалактанлари ..... 3

**АЗИЗОВ ДОНИЁР ЗАКИРДЖАНОВИЧ**

Арабиногалактаны *Ferula kuhistanica* и *F. Tenuisecta* ..... 21

**AZIZOV DONIYOR ZAKIRJANOVICH**

Arabinogalactans of *Ferula kuhistanica* and *F. tenuisecta* ..... 39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works ..... 43

**ЎСИМЛИК МОДДАЛАРИ КИМЁСИ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc. 02/30.01.2020.К/Т.104.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**ЎСИМЛИК МОДДАЛАРИ КИМЁСИ ИНСТИТУТИ**

**АЗИЗОВ ДОНИЁР ЗОКИРЖАНОВИЧ**

***FERULA KUHISTANICA* VA**

***F. TENUISECTA* АРАБИНОГАЛАКТАНЛАРИ**

**02.00.10 – Биоорганик кимё**

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент-2023**



## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Ҳозирги кунда ўсимлик полисахаридлари биополимерларнинг муҳим синфларидан бири бўлиб, ўзининг юқори техникавий ва озуқавий қиймати туфайли тадқиқотчиларни жалб қилмоқда. Улар заҳарли бўлмагани ҳолда антиоксидант, антидиабетик, яллиғланишга қарши, антикоагулянт, антибактериал ва саратонга қарши фаолликларга эга. Ўсимлик полисахаридларининг биологик фаоллиги уларнинг моносахарид таркибига, молекуляр оғирлигига, кимёвий тузилишига, макромолекула таркибидаги моносахарид қолдиқларининг кетма-кетлигига боғлиқ. Ўзбекистон ҳудудида ўсадиган ўсимликларнинг 80-90% да углеводларнинг кимёвий таркиби ва фойдали хоссалари ҳақида ҳозиргача маълумотлар кам. Ўзбекистоннинг бой флораси ичида *Apiaceae* оиласига мансуб биологик фаоллиги ва етарли хомашё базасига эгаллиги, фармакологик фаоллиги кенг бўлган ва турли гуруҳ биологик фаол бирикмаларни ўз ичига олган *Ferula* туркуми ўсимликлари катта қизиқиш уйғотмоқда. Ушбу ўсимлик турларидан кумаринлар, сесквитерпен лактонлар, фурукумаринлар ва терпеноид спиртларнинг эфирлари ажратиб олинган ва ўрганилган.

Ҳозирги кунда ЎЗР ФА Ўсимлик моддалари кимёси институтида ўсимликларнинг мураккаб эфирлари асосида “Куфэстрол” (*F. kuhistanica*), “Тэфэстрол” ва “Ферулен” (*F. tenuisecta*) каби препаратлар яратилган. Шунини таъкидлаш керакки, *Ferula* турига мансуб ушбу ўсимликларнинг углеводлари етарлича ўрганилмаган, шунинг учун бу турдаги ўсимлик таркибидаги турли гуруҳ полисахаридлар ҳақида маълумотлар олиш, уларнинг хусусиятларини ва макромолекулаларнинг кимёвий тузилишини ва биологик фаолликларини ўрганиш долзарб вазифалардан биридир.

Ушбу диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 январдаги “2022-2026 йилларда Республиканинг фармацевтика тармоғини жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”<sup>1</sup> ги ПФ-55-сон фармони ва 2022-йил 8 февралдаги “Чорвачиликни янада ривожлантириш ва чорва озуқа базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида”<sup>2</sup> ги ПҚ-121 сонли қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга маълум даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI “Тиббиёт ва фармакология” устувор йўналишига мувофиқ олиб борилган.

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 январдаги ПФ-55-сон фармони

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 8 февралдаги ПҚ-121-сон қарори

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Етакчи хорижий олимлар Caroline G. Mellinger (Universidade Federalde Catalão, Brazil), Thales R. Cipriani ва бошқалар (Departamentode Bioquimicae Biology Molecular, Universidade Federaldo Paraná, Brazil), Kiranmayi Ketha (Department of Biochemistry, CSIR-Central Food Technological Research Institute, India), S.Saeidi ҳаммуаллифлари (Department of Food Science and Technology, Isfahan, Iran), Wei Guo ва бошқалар (China Tobacco Guangdong Industrial Co., Ltd), Murr Qiang Peng ҳаммуаллифлари (Dalian Institute of Chemical Physics, CAS), Mariem Hamed ҳаммуаллифлари (Université de Tunis El Manar), Elisabete Coelho (Department of Chemistry, University of Aveiro, Portugal) Россия олимлари В.А. Бабкин, Н.А. Неверова ҳаммуаллифлари (А.Е.Фаворский номидаги Иркутск кимё институти, СБ Россия ФА) томонидан арабиногалактанларнинг тузилиши ва хоссалари ўрганилиб, уларнинг биологик фаолликлари тадқиқ этилган.

Республикамизда к.ф.д.Рахманбердиева Р.К. раҳбарлигида *Cardaria repens* ning ер устки қисмидан антикоагулянт фаолликка эга арабиногалактан ва *Silybum marianum* баргидан ўзида рамногалактуронан сақлаган тармоқланган арабиногалактан ажратиб олинган.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.**

Диссертация иши ЎзР ФА Ўсимлик моддалари кимёси институтининг ФА-Ф6-007-сонли “Доривор ўсимликларнинг биологик фаол полисахаридларини ва модификация шаклларини ўрганиш” фундаментал лойиҳаси доирасида амалга оширилган (2017-2020 й.й).

**Тадқиқотнинг мақсади** *F. kuhistanica* ва *F. tenuisecta* дан турли хил полисахаридлар ажратиб олиш, физик-кимёвий хоссаларини, моносхарид таркибларини аниқлаш ва арабиногалактанларнинг кимёвий тузилишларини ўрнатиш, полисахаридларнинг ўзига хос тузилиши ва биологик фаоллиги орасидаги боғлиқликни аниқлаш.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

*F. kuhistanica* ва *F. tenuisecta* дан турли гуруҳ полисахаридлар (сувда эрувчи полисахаридлар, пектин, гемицеллюлозалар) ажратиб олиш ва таркибини аниқлаш. *F. kuhistanica* ер устки қисмларининг углевод комплекси таркибини вегетация даври бўйича ўрганиш;

*F. kuhistanica* ва *F. tenuisecta* ўсимликларининг сувда эрийдиган полисахаридларидан арабиногалактанларнинг гомоген фракцияларини олиш; арабиногалактанларнинг тузилишини кимёвий ва спектрал (ГХ, ГХ/МС, <sup>13</sup>С ЯМР спектроскопия) усуллар билан аниқлаш;

сувда эрувчи полисахаридлар ва пектин моддаларининг биологик фаоллигини аниқлаш. Полисахаридлар тузилишининг улар намоён қилган биологик фаолликка таъсирини ўрганиш;

*F. kuhistanica* сувда эрувчи полисахариди асосида озуқа кўшимчаси яратиш ва унинг меёрий-техник ҳужжати ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** *F. kuhistanica* нинг ер устки қисми, *F. tenuisecta* нинг ер устки ва илдиз қисмлари ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг предмети** сувда эрувчи полисахаридлар, пектин моддалари, гемицеллюлозалар, арабиногалактанлар, уларни ажратиш усуллари, кимёвий ўзгаришлари ва биологик фаолликларини ўрганишдан иборат.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Полисахаридларни ўрганиш учун кимёвий (экстракция, тўлиқ кислотали гидролиз, перйодатли оксидлаш, метиллаш), аналитик (полисахаридларнинг моносахарид таркибини сифат ва миқдорий таҳлил қилиш, пектин моддаларининг этерификацияланиш даражасини титриметрик аниқлаш усули, макро ва микроэлементлар таркибини аниқлаш), физик-кимёвий (ИК, ГХ, ГХ/МС,  $^{13}\text{C}$  ва  $^1\text{H}$  ЯМР спектроскопияси, икки ўлчамли гомо- ( $^1\text{H}$ , COSY, TOCSY, ROESY) ва гетероядроли  $^1\text{H}$ ,  $^{13}\text{C}$  ЯМР (HSQC, HMBC) спектрал усуллари, электрон эмиссия ва биологик усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:** илк бор *F. kuhistanica* ва *F. tenuisecta* нинг ер устки қисмидан турли гуруҳ полисахаридлар ажратиб олинган, уларнинг физик-кимёвий хоссалари ва моносахарид таркиблари аниқланган;

*F. kuhistanica* хомашёсини йиғишнинг муқобил муддати аниқланган ва сувда эрийдиган полисахаридлар ва пектин моддалари ўсимликнинг ер устки қисмидаги асосий полисахаридлар эканлиги кўрсатиб берилган;

илк бор *F. kuhistanica* ва *F. tenuisecta* сувда эрувчи полисахаридларидан гомоген AGF ва AG-Ften арабиногалактанлари ажратиб олинди, уларнинг тузилиши кимёвий ва спектрал усулларда исботланган;

*F. kuhistanica* ва *F. tenuisecta* арабиногалактанлари (AGF ва AG-Ften) тармоқланган макромолекулалардан иборат бўлиб, уларнинг асосий занжири (1→6)  $\beta$ -галактопираноза қолдиқларидан ташкил топган полигалактанлар эканлиги, уларнинг ён занжирлари C-3 ҳолатда  $\alpha$ -арабинофураноза ва унинг 1,5 боғланган олигомерлари, шунингдек  $\beta$ -Galp-(6→1)- $\beta$ -GlcA4-OMe фрагментларидан иборат тармоқланган полисахаридлар эканлиги биринчи марта исботланган;

биринчи марта *F. kuhistanica* арабиногалактан макромолекуласи асосий занжирининг кичик қисмида C-2 ҳолатда  $\beta$ -галактопираноза қолдиқлари борлиги аниқланган ва ушбу арабиногалактанлар арабино-3,6-галактанларга тегишли эканлиги исботланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

*F. tenuisecta* илдизидан ажратиб олинган сувда эрувчи полисахаридининг грам-мусбат (*Staphylococcus aureus*) ва грам-манфий (*Escherichia coli*)

002673/477 ва *Klebsiella oxitoca* 1), шунингдек, спора ҳосил қилувчи бактерияларга (*Bacillus subtilis*) қарши антимикроб фаоллиги аниқланган;

*F. kuhistanica* сувда эрувчи полисахариди -“Арбифилян” озуқа кўшимчаси тажриба гуруҳи куёнларининг маҳсулдорлигига, тана оғирлигининг кунлик ортишига, шунингдек, организмнинг иммун тизимини мустаҳкамлашга таъсири аниқланган;

**Тадқиқот натижаларининг ишончилиги** полисахаридларнинг тузилиши, физик-кимёвий хусусиятлари ва биологик фаоллигини текширишда замонавий физик, спектрал ва биологик таҳлил усулларини қўллаш билан тасдиқланган. Натижаларнинг ишончилиги уларнинг халқаро ва республика илмий анжуманларда муҳокамадан ўтганлиги, тақриз қилинувчи хорижий илмий нашрларда эълон этилганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, арабиногалактанларнинг хоссалари ва тузилиши ҳақида янги маълумотлар келтирилган. Полисахаридлар ўртасидаги “тузилиш-биологик фаоллик” ўзаро боғлиқлик бўйича қиёсий маълумотлар олинган. *F. kuhistanica* арабиногалактанининг ён занжири, биринчи навбатда, узун тармоқланган галактоолигосахарид фрагментлари биологик фаолликка муҳим ҳисса қўшиши кўрсатилган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, сувда эрувчи полисахарид - Арбифилян ҳайвонларда ошқозон-ичак фаолиятини нормаллаштириш учун чорвачиликда озуқа кўшимчаси сифатида фойдаланиш учун тавсия этилган. *F.tenuisecta* илдизларининг сувда эрувчи полисахаридлари ва пектин моддалари микробларга қарши фаоллик кўрсатиши аниқланган.

**Натижаларининг жорий қилиниши.** Илмий тадқиқот натижалари асосида *F. kuhistanica* сувда эрувчи полисахариди “Арбифилян”нинг техник шарти (ташқилот стандарти Ts 03535440-031:2020) ишлаб чиқилган ва тасдиқланган.

*F. kuhistanica* арабиногалактани спектр маълумотлари ва кимёвий тузилишига оид маълумотлар хорижий илмий нашрлар томонидан полисахаридларнинг тузилишини аниқлашда қўлланилган: *J. Biol. Macromol.* 2023, V. 235, 123816 <https://doi.org/10.1016/j.ijbiomac.2023.123816> IF 8,025; *Food Bioscience*, 2022, V. 47, 101780 (<https://doi.org/10.1016/j.fbio.2022.1017> IF-5,318; *Polymers* 15(9):1999, 2023 DOI:10.3390/polim15091999, <https://www.mdpi.com/2073-4360/15/9/1999#> IF 5,0; *Pharmaceutical sciences*, 2022; 25 (3) DOI: 10.21626/vestnik/2022-3/08, <https://www.kursk-vestnik.ru/jour/article/view/1069/> 581, IF- 3.784; *Carbohydr. Res.* 2023, v. 529, 108828, <https://ssrn.com/abstract=4406065-2.975>.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Диссертация тадқиқоти натижалари 11 та илмий-амалий конференция ва симпозиумларда, жумладан,

8 та халқаро, 3 та республика миқёсида ўтказилган анжуманларда маъруза қилинган ва муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 17 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 5 та илмий мақола, жумладан 4 та хорижий ва 1 та МДХ журналларида нашр этилган, шунингдек сувда эрувчи полисахарид “Арбифилан” учун техник шарт ишлаб чиқилган ва тасдиқланган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, учта боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 99 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурияти, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари асосланган, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларни жорий қилиш, чоп этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи бобида "Юксак ўсимликлар арабиногалактанлари. Хусусиятлари ва фойдаланиш истиқболлари" бўйича адабиётлар шарҳи келтирилган. Унда юксак ўсимликлар арабиногалактанларининг хусусиятлари, тузилиши ва биологик фаоллиги тўғрисида маълумотлар берилган.

Диссертациянинг “*Ferula* туркумига мансуб ўсимлик полисахаридлари” деб номланган иккинчи бобида икки тур *Ferula*: *F. kuhistanica* ва *F. tenuisecta* ўсимликларини ўрганиш натижасида олинган тадқиқот натижалари келтирилган.

### ***F. kuhistanica* ўсимлигининг сувда эрувчи полисахаридлари**

*F. kuhistanica* нинг ер устки қисмидан 7,2% сувда эрувчи полисахарид (СЭПС) ва 6% пектин моддаси (ПМ) ажратиқ олинди ва уларнинг моносахарид таркиби, физик-кимёвий параметрлари келтирилди. СЭПС нейтрал ва кислотали қандлардан иборат эканлиги ва доминант моносахаридлар сифатида арабиноза, глюкоза ва галактоза 25:9.5:53 нисбатда ва 14% урон кислотасининг борлиги аниқланди. Сувда эрийдиган полисахаридларнинг ИҚ спектрларида ютилиш соҳалари: 3298-3300, 1740-1750, 1591-1600, 1412-1420, 1107-1100, 878-890, 673-680, 617-630 см<sup>-1</sup> га тўғри келади. СЭПС этил спирти билан фракцияларга ажратилиб, арабиногалактан

фракцияси - AGF олинди. Кейинги босқичда AGF нинг сувли эритмаси ДЭАЭ-целлюлоза, ҳамда Sefadex G-50 колонкаларида ажратилиб, 27.5% унум билан арабиногалактан AGF-1 фракцияси олинди.


Арабиногалактан AGF-1 оч жигарранг аморф кукун бўлиб, сувда яхши эрийди, юқори самарали суюқлик хроматографияси натижаларига кўра молекуляр массаси (Мм) 36 кДа га тенг. AGF-1 нинг моносахарид таркибида 3.6:1 нисбатда галактоза ва арабиноза, шунингдек, оз миқдорда урон кислотаси мавжуд. AGF-1 таркибидаги моносахаридлар орасидаги гликозид боғларини ва уларни цикл ўлчамларини аниқлашда Смит ва метиллаш усуллари қўлланилди. AGF-1 ни Смит усулида оксидлаш, қайтарилиш ва гидролиз реакцияси давомида глицерин ва галактоза ҳосил бўлди. Глицериннинг ҳосил бўлиши полимернинг тармоқланганлигини ва моносахарид қолдиқлари ўртасида 1,6 турдаги боғларнинг мавжудлигини кўрсатса, галактозанинг мавжудлиги AGF-1 да 1,3 турдаги боғланиш борлигидан далолат беради.

Арабиногалактан AGF-1 ни метиллаш *Ciucanu* усули бўйича амалга оширилиб, метиллаш реакциясининг тўлиқ бориши ИҚ спектроскопия усулида 3400-3200  $\text{cm}^{-1}$  (ОН гуруҳи) соҳада спектр чизиқлари ҳосил бўлмаслиги билан назорат қилиб борилди. Сўнг перметилат метанолизга, ацетиллашга учратилиб, метилланган модданинг триметилсилил (ТМС) ҳосилалари олинди. Перметилат гидролизатида ГХ/МС томонидан асосан *T-Araf* (15,0%), *1,5-Araf* (11%), *T-Galp* (23,2%), *1,6-боғланган Galp* (29,6%), *1,3-боғланган Galp* (16,6%), *1,2-боғланган Galp* (3,1%) ва *1,3,6-боғланган Galp* (16,6%) иборат эканлиги аниқланди. *2,3,6-O-Me<sub>3</sub>-β-Glcsp* аниқланиши AGF-1 таркибида  $\leftarrow 6\right)-\beta\text{-GlcAp-4OMe-(1}\rightarrow$ ) фрагменти олигомер занжир шаклида бўлиши эҳтимол қилинди. Олинган натижалар AGF-1 макромолекуласининг асосий занжири 1,6-гликозид боғи билан боғланган галактопираноза қолдиқларидан ташкил топган полигалактандан иборат эканлигини кўрсатди ва бу билан оксидланиш маълумотларини тасдиқлади. AGF-1 макромолекуласининг углевод занжирлари юқори даражада тармоқланган бўлиб, тармоқланиш нуқтаси *2,6-ди-O-Galp* алмашинган галактопираноза қолдиқлари билан ифодаланади. Арабиногалактаннинг метиллаш ҳосилаларида *2,3,5-три-O-Me-Araf* нинг аниқланиши арабинофураноза қолдиқлари AGF-1 занжирда терминал ҳолатда жойлашганлигини кўрсатди.

Олинган кимёвий тадқиқот натижалари AGF-1 макромолекуласининг асосий занжири 1,6-гликозид боғлари билан боғланган *D-Galp* қолдиқларидан ташкил топган полигалактанлардан иборат бўлиб, макромолекуланинг тармоқланган қисми асосий занжирга O-3, шунингдек O-2 орқали арабиноза ва галактоза бирикканлигини тахмин қилиш мумкин.

## AGF-1 тузилишини <sup>13</sup>C ЯМР спектроскопия усулида аниқлаш

AGF-1 арабиногалактанининг тузилиши 1D ва 2D ЯМР спектроскопияси ёрдамида ўрганилди. Структура 1D (<sup>1</sup>H, <sup>13</sup>C) таҳлилига ва HSQC ва HMBC спектрларининг селектив фарқи асосланган. <sup>1</sup>H ЯМР спектрида δ<sub>H</sub> 4.48 - 5,26 м.у. оралиғидаги аномер атомларнинг сигналлари, шунингдек, δ<sub>H</sub> 3,49 м.у. (синглет, OMe) да характерли сигналлар мавжуд (1-расм).



1-Расм. AGF-1 нинг <sup>1</sup>H (а) ва <sup>13</sup>C (б) ЯМР спектрлари

<sup>13</sup>C ЯМР спектрида (1-расм, чапдаги проекция) δ<sub>C</sub> 104,7-110,47 м.у., аномер атомларнинг, ҳамда 61,1 м.у - OCH<sub>3</sub>, -. 176,6 м.у COOH нинг сигналларини кўрсатди. Спектрлар полисахариднинг асосий компоненти сифатида β-галактопираноза (β-Galp), α-арабинофураноза (α-Araf) қолдикларини, шунингдек, 176,6 м.у. соҳада 4-ОМе-β-глюкурон кислотаси (β-GlcpA4-ОМе) мавжудлигини аниқлади. Алмашиш тури, қолдиклардаги углерод атомларининг кимёвий силжишларига мос келадиган алмашинмаган қандлар билан солиштириш орқали аниқланди. HSQC спектри C-6 (β-Galp) қолдик **A**, C-3 ва C-6 (β-Galp) қолдик **B**, C-5 (α-Araf) қолдик **H**, C-4 (β-GlcpA4-ОМе) қолдик **F**, C-4 (α-GalpA) углерод атомлари учун кучсиз силжишларни кўрсатди (1-жадвал). α-Araf **G** и **G'** (алмашинмаган) терминал қолдиклари, ҳамда δ<sub>C</sub>/δ<sub>H</sub> 62.56/3.72 (C-6 и H-6,6') (алмашинмаган галактопираноза) ва 75.01/3.89 (C-5 H-5)- терминал β-Galp қолдикларининг сигналлари аниқланди.

### 1-Жадвал

#### AGF-1 нинг асосий фрагментларининг <sup>1</sup>H ва <sup>13</sup>C ЯМР спектридаги кимёвий силжиши


Углевод қолдиклари	C1 <i>H1</i>	C2 <i>H2</i>	C3 <i>H3</i>	C4 <i>H4</i>	C5 <i>H5,5'</i>	C6 <i>H6, H6'</i>
→6)-β-Galp-(1→ <b>A</b>	104.7 4.46	72.1 3.54	74.0 3.65	70.8 3.93	74.8 3.91	70.8 <sup>a</sup> 4.05,3.92
→6)-β-Galp-(1→ 3) <b>B</b>	104.8 4.42	71.2 3.65	81.5 3.71	69.8 <sup>a</sup> 4.12	74.8 3.91	70.8 <sup>a</sup> 4.05,3.92

<b>1-Жадвал давоми</b>							
$\uparrow$ $\alpha$ -Araf-(1	<b>G</b>	110.6 5.24	82.7 4.21	77.9 3.94	85.3 4.13	62.7 3.83, 3.71	
$\rightarrow$ 5)- $\alpha$ -Araf-(1 $\rightarrow$ 3	<b>H</b>	110.6 5.24	82.7 4.21	77.92 3.94	83.6 4.26	68.2 3.88, 3.79	
$\alpha$ -Araf-(1 $\rightarrow$ 5	<b>G'</b>	108.8 5.08	82.2 4.12	78.1 4.00	85.3 4.08	62.7 3.83, 3.71	
$\rightarrow$ 6)- $\beta$ -Galp-(1 $\rightarrow$ 3)	<b>C</b>	104,5 4.53	71,5 3.78	83,2 3.87	69,8 <sup>a</sup> 4.22	74,8 3.91	70,8 <sup>a</sup> 4.05,3.92
$\uparrow$ 1)- $\beta$ -Galp 6) $\uparrow$	<b>E</b>	105.1 4.69	71.2 3.65	74.0 3.65	69.8 <sup>a</sup> 4.12	75.0 3.88	70.7 <sup>a</sup> 4.04, 3.92
1)- $\beta$ -GlcпA4OMe	<b>F</b>	104.0 4.49	74.3 3.36	76.5 3.53	83.2 <sup>b</sup> 3.31	73.9 3.73	176.6
$\rightarrow$ 6)- $\beta$ -Galp-(1 $\rightarrow$ 2)	<b>D, D'</b>	101.6 4.96	78.2 4.00	74.0 3.70	69.8 <sup>a</sup> 4.22	74.8 3.91	70.7 <sup>a</sup> 4.02, 3.88
$\uparrow$ 1)- $\beta$ - Galp	<b>I</b>	104.7 4.45	73.1 3.71	74.0 3.65	70.8 3.93	76.0 3.72	62.4 3.78,3.75

Эслатма: устундаги а-қийматини алмаштириш мумкин, b- $\delta_c$  61.1 ва  $\delta_H$  3.49 да GlcpA нинг OMe

Қолган алмашинмаган галактопираноза сигналлари қолдиқ А да мос келган сигналлар билан бир-бирини тўсади. Арабиногалактан занжирида  $\beta$ -GlcпA4OMe борлигини **F** қолдиғидаги 82,62/3.31 м.у. сигнали тасдиқлайди. Арабиногалактандаги моносахаридларнинг кетма-кетлигини НМВС спектрларидаги қолдиқлараро корреляция чўққилари:  $\delta_H/\delta_C$ : 6E/1F, 6A,В/1A,В,1H/3В. 5F/1F, 2ВE/1В,Е, 2D/1D, 3В/1HG, 2A/1A, 2D/1D, 5G/1G', 5F/1F ни таҳлил қилиш йўли билан аниқланди. 1- $\beta$ -D-Galp6 $\rightarrow$ 1GlcпA4OMe фрагменти адабиётлардаги бошқа арабиногалактанларда ҳам мавжуд бўлиб, AGF-1 арабиногалактан улардан ён занжирида  $\beta$ -1,2 гликозид боғлари билан боғланган галактопираноза қолдиқлари борлиги билан фарқ қилади.

Олинган натижалар *F. kuhistanica* AGF-1 арабиногалактан тармоқланган арабино-3,6-галактан бўлиб, макромолекуланинг C-3 ҳолатида  $\alpha$ -арабинофураноза ва унинг 1,5 боғланган олигомер қолдиқлари, шунингдек,  $\beta$ -GlcпA4OMe-(1 $\rightarrow$ 6)- $\beta$ -Galp-(1 $\rightarrow$  фрагментлар мавжуд эканлигини кўрсатди. Маълумки, адабиётлардаги бошқа арабиногалактанлардан фарқли ўлароқ, макромолекуланинг асосий занжирининг кичик бир қисми C-2 ҳолатида  $\beta$ -галактопираноза қолдиқларини сақлайди ва AGF-1 қуйидаги тузилишга эга:



Арабиногалактан AGF-1нинг асосий фрагмент структураси

### *F. tenuisecta* ер устки қисми полисахаридлари

*F. tenuisecta* нинг ер устки қисмидан спиртда эрийдиган қандлар (СЭҚ), сувда эрувчи полисахаридлар (СЭПС), пектин моддалари (ПМ) ва гемицеллюлозалар (ГМЦ) ажратиб олинди. Сувда эрувчи полисахаридлар икки усулда ажратилди: 20-22°C ҳароратда сув билан экстракция қилиш давомида СЭПС-1 ва 60-70°C ҳароратда - СЭПС-2 ажратиб олинди (2-жадвал). Хроматографик таҳлил ёрдамида СЭҚ фруктоза, глюкоза ва сахарозадан иборат эканлиги аниқланди.

### 2-Жадвал

#### *F. tenuisecta* ер устки қисми полисахаридларининг моносахарид таркиби

ПС	Унум, %	Моносахарид таркиби,%						УАс, %
		Gal	Glu	Man	Xyl	Ara	Rha	
СЭПС-1	5.0	38.0	5.7	37.0	2.7	11.4	5.0	10.0
СЭПС-2	1.0	29.5	18.0	15.8	7.0	19.0	11.0	34.0
ПМ	4.5	7.0	7.6	1.0	-	5.3	7.2	90.0
ГМЦ	2.0	10.3	25.0	1.0	27.0	8.0	12.0	-

Тўлиқ кислотали гидролиз ва унинг хроматографик таҳлил натижалари СЭПС моносахарид таркиби сифат ва миқдор жиҳатдан фарқланишини кўрсатди. СЭПС-1 да манноза ва галактоза, шунингдек арабиноза 38:37:11.4, СЭПС-2 да эса галактоза, глюкоза ва арабиноза 29,5:18:19 нисбатларда кузатилди. Урон кислоталарининг таркиби мос равишда 10 ва 34% ни ташкил қилди (2-жадвал). Демак, полисахаридлар гетероген бўлиб улар нейтрал ва нордон полисахаридлардан иборат.

Пектин моддалари қаймоқсимон тусли оқ рангли кукун бўлиб, сувда қовушқоқ эритма ҳосил қилиб тўлиқ эрийди ва нисбий қовушқоқлик қиймати 8,1 (с 1,0, H<sub>2</sub>O) га тенг. ИҚ спектрида кислотали полисахаридларга хос бўлган ютилиш соҳалари мавжуд. Хусусан, 1370 см<sup>-1</sup> да ютилиш соҳаси метил гуруҳлари мавжудлигини кўрсатади. Титриметрик таҳлил ёрдамида ПМ нинг этерификацияланиш даражаси (ЭД) 62,5% га тенг бўлиб, *F. tenuisecta* ПМ лари юқори даражада этерификацияланган пектинларга кириши аниқланди.

ПМ ажратиб олингандан сўнг қолган хом ашёни 5% калий гидроксид эритмасида экстракция қилиш йўли билан доминант моносахаридлар - ксилоза

ва глюкозадан иборат бўлган гемицеллюлоза (ГМЦ) ажратиб олинди. Кимёвий чуқурроқ ўрганиш учун СЭПС-1 танлаб олинди.

### ***F. tenuisecta* сувда эрувчи полисахаридлари**

*F. tenuisecta* ер устки қисмидан сувда эрувчи полисахаридларни юқорида келтирилган усулда ажратиб олинди. СЭПС-1 оч жигарранг аморф куқун бўлиб, бироз лойқа эритма ҳосил қилган ҳолда сувда эрийди. Унинг ИҚ спектрида оқсил компонентларига ҳос 1650 см<sup>-1</sup> ютилиш соҳаси кузатилди, уни Севага усули ёрдамида денатурацияга учратиб, оқсилдан тозаланган СЭПС-1 олинди. СЭПС-1 нинг сувли эритмаси спирт билан қисман чўктирилиб унумлари 16, 13, 15, 5% бўлган I-IV фракциялар олинди (3-жадвал). Спиртли супернатант галактоза, глюкоза, манноза ва арабинозадан иборат қуйи молекуляр оғирликдаги олигосахаридлар йиғиндиси 44% ни ташкил қилди.

### **3-Жадвал**

#### **СЭПС-1 фракцияларининг унуми ва моносахарид таркиби**

фракциялар	Мм, кДа	Унум, %	Моносахарид қолдиқларининг нисбатлари						UA, %
			<i>Gal</i>	<i>Glc</i>	<i>Man</i>	<i>Xyl</i>	<i>Ara</i>	<i>Rha</i>	
I	48	16.0	6.0	2.0	5.5	1.0	2.5	2.0	34.0
II	43	13.0	4.5	1.0	1.2	-	1.7	1.4	34.0
III	40	15.0	22.0	1.6	2.0	1.0	6.5	2.6	16.0
IV	35	5.0	15.0	1.05	1.0	1.15	6.1	2.2	22.0
V	9-20	44.0	1.1	1.6	1.62	-	1.0	-	-

Бу фракция глюкоманнан ва арабиногалактан олигосахаридлари бўлиши эҳтимол қилинди. 4-Жадвалдан кўришиб турибдики, I-IV фракциялар моносахарид таркиблари ва урон кислоталарининг унуми билан фарқланади. Урон кислоталарининг миқдори 16-34% оралиғида ўзгариб туради. Шунинг таъкидлаш кераки, III фракцияда доминант моносахаридлар 6,5:22 нисбатда арабиноза ва галактозадан иборат бўлиб, урон кислотасининг миқдори 16% ни ташкил этади. Демак, ушбу фракция нейтрал ва нордон полисахаридлардан иборат. Нейтрал ва нордон полисахаридларни ажратиш учун III фракция ДЭАЭ-целлюлозали (ОН-шакли) колонкадан ўтказилди. Колонка сув, 0,5 н NaCl, сўнгра 0,5 н NaOH эритмалари билан кетма-кетликда элюация қилинди ва мос равишда 64, 14 ва 3% унум билан полисахарид фракциялари олинди. Сув билан элюация қилинган фракция унуми 64% ни ташкил этиб, галактоза ва арабинозанинг нисбати 2.3:1 тенг арабиногалактандан иборат бўлиб, уни AG-Ften деб номланди (4-жадвал).

## AG-Ften ДЭАЭ-целлюлоза (ОН-шакл) колонкасида фракциялаш

Элюент	Унум, %	Моносахаридлар нисбати						UAc
		Gal	Glc	Man	Xyl	Ara	Rha	
H <sub>2</sub> O	64.0	25.0	3.3	1.4	1.0	10.6	4.1	-
0.5 н NaCl	14.0	13.7	7.1	1.0	2.0	5.5	3.0	+
0.5 н NaOH	3.0	4.0	14.7	4.0	9.3	1.8	1.0	+

Арабиногалактан *Ften* нинг кимёвий тузилиши

Арабиногалактан AG-Ften оқ рангли аморф кукун бўлиб, сувда эрийди ва юқори самарали суюклик хроматографияси натижаларига кўра Мм 40 қДа га тенг. AG-Ftenнинг ИҚ спектри 3394 (ОН гуруҳи), 869 ва 720 см<sup>-1</sup> ( $\alpha$  ва  $\beta$ -гликозид боғлар) ютилиш соҳаларини ўз ичига олади.

Моносахарид қолдиқлари орасидаги гликозид боғларини аниқлаш учун AG-Ften натрий периодат билан оксидланди. Оксидланиш 15 кун давом этиб, NaIO<sub>4</sub> сарфи 2,3 моль га тенг бўлди ва реакция давомида 0,31 моль чумоли кислотаси ажралиб чиқди. Оксидланган AG-Ften NaBH<sub>4</sub> қайтарилди, сўнг гидролизга учратилди. Гидролизатнинг хроматография натижаси якуний маҳсулот сифатида глицерин ва галактоза эканлиги аниқланиши, макромолекуланинг асосий углевод занжирини ташкил этувчи галактопираноза қолдиқлари ўртасида 1,3 ёки 1,6-гликозид боғлари мавжудлигини кўрсатади.

AG-Ften Ciucanu усули бўйича метилланди ва перметилат гидролизатининг ГХ/МС да 2,3,4,6-tetra-*O*-Me- $\beta$ -D-Galp (5.64%), 2,3,4-tri-*O*-Me- $\beta$ -D-Galp (38.58%), 2,4,6-tri-*O*-Me- $\beta$ -D-Galp (1.1 %), 2,4-di-*O*-Me-*D*-Galp (6.44 %), 2,3,5-tri-*O*-Me- $\beta$ -Araf (14.94%), 2,3-di-*O*-Me-Araf (4.46 %) идентификация қилинди.

2,3,4-tri-*O*-Me-Galp ва 2,4,6-tri-*O*-Me-Galp нисбати 35:1 га тенг. Метилланиш натижалари шуни кўрсатадики, AG-Ften нинг асосий занжири 1,3 ва 1,6 боғланган галактопираноза қолдиқларидан, ён занжир эса 3,6 боғланган галактоза ва 1,5 боғланган арабинофураноза қолдиқларидан иборат экан.

AG-Ften нинг <sup>13</sup>C ЯМР спектри 60 дан 180 ppm гача соҳада қайд этилган. COSY, TOCSY ва ROESY спектрлари полисахариднинг қанд компоненти сифатида  $\beta$ -Galp,  $\alpha$ -Araf ва  $\beta$ -GlcрA қолдиқлари мавжудлигини кўрсатди. HSQC спектрининг таҳлили С-6 позициясида (А ва Е қолдиқлари) ва 3,6 позицияларида (В ва D қолдиқлари)  $\beta$ -Galp қолдиқлари, шунингдек алмашинмаган  $\beta$ -Galp қолдиқларининг бир қисми (терминал, I) борлиги аниқланди.

Полимерда икки хил  $\alpha$ -Araf қолдиқлари: терминал (G ва G') ва 5-алмашинган (H) кузатилди.  $\beta$ -GlcрA (F) қолдиқлари 4-позицияда алмашинган. Қолдиқлардаги алмашиниш ҳақидаги барча хулосалар уларнинг <sup>13</sup>C ЯМР субспектрлари алмашинишининг ижобий  $\alpha$ -таъсирини ҳисобга олган ҳолда бошланғич қанд спектрлари билан солиштириш асосида амалга оширилди



фракциялари олинди. Шунини айтиб ўтиш лозимки, *Apiaceae* оиласига мансуб ўсимликлардан илк бор глюкоманнан фракцияси олинди.

Пектин моддаларида галактурон кислотасининг миқдори 83.6% ни ташкил этди, нейтрал моносахаридлар орасида рамноза (8.4%), арабиноза (5.0%) ва глюкоза (23.8%) устунлик қилади. Олинган натижалар шунини кўрсатдики, ПМ макромолекуласининг асосий занжирини галактурон кислотаси ташкил этиб, нейтрал қандлар эса полимернинг ён занжирини ифодалайди. Гемиллюлозаларда асосий моносахарид қолдиқлари глюкоза бўлиб, урон кислоталари аниқланмади.

### ***F. kuhistanica* ер устки қисмида полисахаридларнинг мавсумий тўпланиш динамикаси**

*F. kuhistanica* ер устки қисмидаги турли гуруҳ полисахаридларнинг унуми, уларнинг физик-кимёвий хоссалари ва моносахарид таркибларини мавсумий динамикага боғлиқлиги ва муқобил йиғим вақтини аниқлаш борасида изланишлар олиб борилди. Ўсимликлар 2021-йилда Самарқанд вилоятидан қуйидаги: I - вегетация - 05.04.17, II - гуллаш - 01.05.17, III - куртакланиш - 15.05.21, IV - мева туғиш - 01.06.17 ривожланиш даврларида йиғилди ва уларнинг унуми ва моносахарид таркиблари б-жадвалда келтирилди. Полисахаридлар юқорида келтирилган усулларда ажратиб олиниб, ўрганилди.

Барча даврларда СЭПС-с нинг миқдори кўп бўлиб, уларнинг энг кўп унуми гуллаш даврида (5,6%), ПМ эса мева туғиш даврида (7.4%) кузатилди. Ўсимлик ривожланиши билан полисахарид таркибидаги арабиноза ва галактозанинг нисбати ўзгариб аста секин арабинозанинг ортиши ва галактозанинг камайиши кузатилди. Хом ашёнинг йиғиш муддати қилиб, ўсимликнинг гуллаш даври мақсадга мувофиқ деб топилди.

### **6-Жадвал**

#### ***F. kuhistanica* ер усти қисми полисахаридларининг унуми ва моносахаридлар таркибининг мавсумий тўпланиш динамикаси**

Вегетация даври	ПС тури	Унум, %	Моносахарид таркиби, %						UA, %	Ara/Gal нисбати
			Rha	Ara	Xyl	Man	Glu	Gal		
Вегетация	СЭПС-с	4.6	9.3	17.6	3.8	11.2	17.0	41.2	9.0	1:2.3
	СЭПС-и	1.0	9.1	15.0	7.0	14.6	27.7	26.5	16.0	1:1.8
	ПМ	2.0	16.5	26.0	4.5	-	3.0	50.0	19.0	1:1.9
Гуллаш	СЭПС-с	5.6	5.0	25.0	1.5	6.0	9.5	53.0	14.0	1.2:1
	СЭПС-и	1.6	18.7	14.5	4.0	11.7	26.3	25.0	20.0	1:1.7
	ПМ	6.0	22.8	28.5	2.2	-	-	45.5	27.0	1:1.6
Куртакланиш	СЭПС-с	4.8	5.2	18.6	3.6	6.6	29.3	36.7	10.0	1:1.9
	СЭПС-и	1.5	13.4	21.2	4.0	12.3	9.0	4.1	3.0	5.2:1
	ПМ	6.7	20.2	31.0	2.7	-	4.3	41.3	75.0	1:1.3
Мева туғиш	СЭПС-с	5.1	3.7	37.0	2.6	4.1	24.8	28.0	5.4	1.3:1
	СЭПС-и	1.2	10.5	24.2	3.1	17.0	1.9	43.4	18.0	1:1.8
	ПМ	7.4	2.5	50.0	23.8	-	2.7	19.1	87.0	2.6:1

## ***F. kuhistanica* ва *F. tenuisecta* полисахаридларининг пребиотик фаолликлари**

ЎзР ФА Микробиология институти ходимлари (б.ф.н. Огай Д.К., б.ф.н. Элова Н.А.) *F. kuhistanica* арабиногалактанининг бифидобактериялар ассоциацияси ва моноштамм ҳолидаги лактобактерияларнинг ўсишига стимулловчи таъсири амалиётда қўлланиб келинаётган олма пектини (ПМ-О) билан қиёслаб ўрганилди. Олинган маълумотлар шуни кўрсатадики, ўрганилаётган пребиотикларнинг озуқа муҳити таркибига киритилиши уларнинг фаол ишлашига ёрдам беради ва шу билан бирга тирик хужайралар сонини кўпайтиради. Агар *Bifidobacterium longum* 17х+*Propionibacterium avidum* 1 ўсишини МРС-шўрва озуқа муҳити ва пребиотик қўшимчалар қўшилган муҳит билан таққосланса, иккинчиси тирик хужайраларнинг юқори титрини таъминлашини кўриш мумкин. Арабиногалактан-AGF нинг МРС-шўрва озуқа муҳитига қўшилиши ўсиш стимуляциясини 20.9% ни ташкил этди, тирик хужайралар титри эса 8.89 (назорат) дан 9.86 ва 10.75 (тажриба) гача ошиши кузатилди. AGF нинг *Lactobacillus delbtueckii subps bulgaricus* 906 таъсирини ўрганиш шуни кўрсатдики, РМ-О ва AGF қўшилганда лактобацилларнинг ўсиш самарадорлиги мос равишда 15.2 ва 21% га ортган. *L. rhamnosus* 925ak культурасига пребиотик қўшилган муҳитда тирик хужайралар сони ортса, *L. del. subps bulgaricus* 906 муҳитида эса бир мунча паст (10.33-12.4 lg КХБ/ml) бўлиши кузатилди. Бунда муҳитнинг титрланадиган кислоталилиги AGF қўшилганда 185°Т гача ортиши пребиотикнинг микроорганизмлар томонидан фаол ишлатилишини кўрсатади.

Шундай қилиб, *F. kuhistanica* ва *F. tenuisecta* полисахаридлари юқори пребиотик фаолликка эга ва улар чорвачиликда озуқа таркибига, функционал озиқ-овқат маҳсулотлари - синбиотиклар сифатида ҳайвонларда ичак микробиоценози бузилишларини коррекциялаш учун қўшиш таклиф этилди.

## **Полисахаридлар тузилиши ва пребиотик фаоллик ўртасидаги боғлиқлик**

*F. kuhistanica* ва *F. tenuisecta* полисахаридларининг пребиотик фаоллигини намоён қилишига таъсир этувчи структуравий фрагментларни аниқлаш мақсадида “тузилиш-биологик фаоллик” орасидаги боғлиқлик ўрганилди. Юқорида айтиб ўтилганидек, ўрганилаётган арабиногалактанлар моносахаридлар нисбати ва молекуляр оғирликлари бўйича кескин фарк қилмайдилар. Полисахаридларнинг структурасини ўрнатиш давомида икки полисахариднинг ён занжирида ўхшаш олигосахарид 1)  $\text{Araf-(5}\rightarrow\text{1)-Araf}$ ; 1)- $\beta$ -Galp-(6 $\rightarrow$ 1)- $\beta$ -GlcA4-OMe фрагментлари мавжуд. Икки тур *Ferula* арабиногалактани ва кимёвий тузилиши бўйича *F. tenuisecta*га ўхшаш структурага эга бўлган *Silybum marianum* арабиногалактанининг пребиотик фаолликлари қиёсий ўрганилганда, *F. kuhistanica* нинг сувда эрувчи

полисахариди юқори пребиотик фаолигга эга эканлиги аниқланди. Олинган натижалар *F. kuhistanica* арабиногалактанининг пребиотик фаолигининг юқори бўлишига макромолекуланинг юқори тармоқлаганлиги билан бирга, биринчи навбатда унинг ён занжирида жойлашган ва асосий занжирга С-2 орқали боғланган узун галактоолигосахарид фрагменти фаолигга муҳим ҳисса қўшиши аниқланди.

### **Сувда эрувчи полисахарид -Арбифилян**

Олинган натижаларга асосланиб, *F. kuhistanica* нинг сувда эрувчи полисахаридлари асосида ошқозон ичак микрофлорасини нормаллаштирувчи Арбифилян воситаси ишлаб чиқилди. Арбифилян полисахаридлар йиғиндиси бўлиб, сувда яхши эрийди, унинг таркибида арабиногалактан фракциялари 45%ни ташкил этади. Препаратни пребиотик фаоллиги СамДУ ҳайвонлар физиологияси кафедраси (б.ф.д., проф. Ражабмуродов З.Т., докторант (PhD) Намозова Д.) томонидан қуёнларда пребиотик фаоллиги ва гўшт маҳсулдорлигига таъсирини аниқлаш борасида илмий изланишлар олиб борилди. Тадқиқотлар Самарқанд вилоятидаги “Тарнов” фермер хўжалигида ўтказилди. Тадқиқот учун 20 бош хикол зотли қуёнлардан фойдаланилди. Қуёнлар экспериментал ва назорат гуруҳларига бўлиниб, озиқлантириш бир хил рацион асосида амалга оширилди. Тадқиқот натижаларига кўра, тажриба гуруҳда Арбифилян пребиотигидан фойдаланишнинг 10-кунидан бошлаб, қуёнларнинг ўсишини тезлашиши, умумий ривожланишнинг ўсиши ва тана вазнининг ошиши аниқланди. 100 кунлик ёшида улар назоратдагига қараганда 330 г, 120 кунлигида - 600 г, бутун тажриба давомида - 1100 г га тана вазни ошди. Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, тажриба давомида Арбифилян тажриба гуруҳ қуёнларининг кунлик ўсишига ва тана массасининг ошишига ижобий таъсир кўрсатди.

### ***F. tenuisecta* илдиз полисахаридларининг микробларга қарши фаоллиги**

*F. tenuisecta* илдизидан ажратиб олинган сувда эрувчи полисахаридлар ва пектин моддаларининг микробларга қарши фаоллиги Микробиология институти ходимлари томонидан ўрганилиб, СЭПСнинг *Staphylococcus aureus* 2 (18 мм), *Bacillus subtilis* VKM (20 мм), *Klebsiella oxitoca* 1 (20 мм) ва *Escherichia coli* NC 101 (18 мм) штаммларга антимиқроб фаоллигга эга эканлиги аниқланди.

## ХУЛОСАЛАР

1. Илк бор *Ferula kuhistanica* ва *F. tenuisecta* ўсимлигидан сувда эрувчи полисахаридлар, пектин моддалар ва гемицеллюлозалар ажратиб олинган ва уларнинг физик-кимёвий характеристикалари ҳамда моносахарид таркиблари аниқланган.

2. Сувда эрувчи полисахаридлар ва пектин моддаларининг унумига, моносахарид таркибига ўсимликнинг ривожланиш динамикасининг таъсири ўрганилган ва хом ашё тайёрлашнинг мақбул вақти аниқланган.

3. *Ferula kuhistanica* ва *F. tenuisecta* сувда эрувчи полисахаридини фракциялаб гомоген AGF ва АГ-Ften арабиногалактан фракциялари олинган, полимерларнинг тузилиши кимёвий ва спектрал усулларда тадқиқ қилинган.

4. Биринчи марта AGF ва АГ-Ften арабиногалактанларининг асосий занжири  $\beta$ -(1→6)-гликозид боғи билан боғланган полигалактанлардан иборат эканлиги, ён занжири  $\alpha$ -арабинофураноза ва унинг 1,5-боғланган олигомерлардан, ҳамда  $\beta$ -GlcрA4-ОМе-(1→6)- $\beta$ -Galр-(1 дихарид фрагментидан иборат эканлиги исботланган. АГ-Ften арабиногалактанидан фарқли равишда AGF кучли тармоқланган бўлиб, 1,6 алмашинган асосий занжирнинг кичкина қисмида  $\beta$ -Galр-(1→ С-2 ҳолатда жойлашганлиги аниқланган.

5. *Ferula* арабиногалактанларининг биологик фаоллигининг кимёвий тузилишига боғлиқлиги ўрганилган. Арабиногалактаннинг бифидобактериялар ва лактобактерияларга нисбатан юқори пребиотик фаоллиги полимер ён занжиридаги узун тармоқланган галактоолигосахарид фрагментлари билан боғлиқлиги тадқиқ қилинган.

6. *F. kuhistanica* сувда эрувчи полисахарид-Арбифиланнинг техник шarti ишлаб чиқилган ва (Ts.035035440-031:2020) тасдиқланган. Арбифилан тажриба гуруҳ қуёнларининг тана массасини ошириши ва организм иммун тизимини яхшилаши аниқланган.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc. 02/30.01.2020.К/Т.104.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ИНСТИТУТЕ ХИМИИ  
РАСТИТЕЛЬНЫХ ВЕЩЕСТВ**  

---

**ИНСТИТУТ ХИМИИ РАСТИТЕЛЬНЫХ ВЕЩЕСТВ**

**АЗИЗОВ ДОНИЁР ЗАКИРЖАНОВИЧ**

**АРАБИНОГАЛАКТАНЫ *FERULA KUHISTANICA* И *F. TENUISECTA***

**02.00.10 – Биоорганическая химия**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО ХИМИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Ташкент-2023**

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Министерстве высшего образования науки и инновации Республики Узбекистан за номером B2019.4. PhD/K261.

Диссертация выполнена в Институте химии растительных веществ

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета ([www.uzicps.uz](http://www.uzicps.uz)) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz))

Научный руководитель:

**Рахманбердыева Раю Каримовна**  
доктор химических наук

Официальные оппоненты:

**Нормахаматов Нодирали Сахобаталевич**  
доктор химических наук

**Ахмедов Олий Равшанович**  
кандидат химических наук (PhD)

Ведущая организация:

**Национальный Университет Узбекистана**

Защита диссертации состоится «24» 10 2023 г. в 10<sup>00</sup> часов на заседании Научного совета \_ DSc. 02/30.01.2020.K/T.104. 01 при Институте химии растительных веществ (адрес: 100170, г. Ташкент, ул. Мирзо Улугбека, 77. Тел. (+99871) 262- 73-48).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Института химии растительных веществ (регистрационный номер № 32) (адрес г. Ташкент, ул. Мирзо Улугбека, 77. Тел. (+99871) 262- 59-13, факс: (99871) 262-73-48, e-mail: plant\_inst@icps.org.uz).

Автореферат диссертации разослан «12» 10 2023 года  
(реестр протокола рассылки 10 от 12.10 2023 года)



  
**Ш.Ш. Сагдуллаев**  
Председатель Научного совета  
по присуждению ученых степеней д.т.н.,  
профессор

  
**Н.К. Хидирова**  
Ученый секретарь Научного совета по  
присуждению ученых степеней, к.х.н.

  
**Э.Х. Батыров**  
Председатель Научного семинара при  
Научном совете по присуждению  
ученых степеней д.х.н., профессор

## ВВЕДЕНИЕ (Аннотация диссертации доктора философии (PhD))

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В настоящее время растительные полисахариды являются важным классом биополимеров и издавна привлекают внимание исследователей благодаря своей высокой технической и пищевой ценности. Так как они не токсичны и обладают различными видами активности: антиоксидантная, противодиабетическая, противовоспалительная, антикоагулянтная, антибактериальная и противораковая. Биологическая активность растительных полисахаридов зависит от их моносахаридного состава, молекулярной массы, последовательности моносахаридных остатков, а также от химических модификаций.

На сегодняшний день мало информации о химическом составе и полезных свойствах углеводов 80-90% растений, произрастающих на территории Узбекистана. Среди богатейшей флоры Узбекистана значительный интерес вызывают представители семейства *Apiaceae* и, в частности, растения рода *Ferula* с достаточной сырьевой базой и содержанием различных групп биологически активных соединений, обладающих широким спектром фармакологической активности. Из них выделены и изучены кумарины, сесквитерпеновые лактоны, фурукумарины, сложные эфиры терпеноидных спиртов.

В настоящее время на основе сложных эфиров в Институте химии растительных веществ АН РУз созданы препараты: «Куфэстрол» (*F. kuhistanica*), «Тефэстрол» и «Ферулен» (*F. tenuisecta*). Следует отметить, что углеводы растений рода *Ferula* изучены недостаточно полно, поэтому исследование содержания различных групп полисахаридов в двух видах *Ferula*, установление структуры макромолекул и выявление их биологической активности является актуальной задачей.

Данное диссертационное исследование направлено на выполнение задач, предусмотренных Указом Президента Республики Узбекистан №УП-55 от 22 января 2022 года «О дополнительных мерах по ускоренному развитию фармацевтической отрасли республики в 2022-2026 годах»,<sup>1</sup> и постановление Президента № ПП-121 от 8 февраля 2022 года «О мерах по дальнейшему развитию животноводства и укреплению кормовой базы»,<sup>2</sup> а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

**Соответствие исследования с приоритетными направлениями развития науки и технологий Республики.** Диссертационное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий Республики VI. «Медицина и фармакология».

**Степень изученности проблемы.** Ведущими зарубежными учеными Caroline G. Mellinger (Universidade Federalde Catalão, Brazil), Thales R. Cipriani и др. (Departamento de Bioquímica e Biologia Molecular, Universidade Federal do Paraná, Brazil), Kiranmayi Ketha и др. (Department of Biochemistry,

<sup>1</sup> Указ Президента Республики Узбекистан № УП-55 от 21 января 2022 года.

<sup>2</sup> Постановление Президента Республики Узбекистан ПП-121 от 8 февраля 2022 года.

CSIR-Central Food Technological Research Institute, India), S. Saeidy (Department of Food Science and Technology, Isfahan, Iran), Wei Guo и др. (China Tobacco Guangdong Industrial Co., Ltd), Murr Qiang Peng и др. (Dalian Institute of Chemical Physics, CAS), Mariem Hamed с соавторами (Université de Tunis El Manar), Elisabete Coelho и др. (Department of Chemistry, University of Aveiro, Portugal) Российскими учеными В.А. Бабкиным, Н.А. Неверовой и др. (Иркутский институт химии им. А.Е. Фаворского СО РАН) изучены свойства, структура и биологическая активность арабиногалактанов.

В республике под руководством д.х.н. Рахманбердыевой Р.К. из надземной части *Cardaria repens* выделен арабиногалактан с антикоагулянтной активностью и из листьев *Silybum marianum* разветвленный арабиногалактан с сопутствующим рамногалактуронамом.

**Связь диссертационного исследования с планами научно-исследовательских работ высших учебных и научно-исследовательских заведений.** Диссертационная работа выполнена в рамках научно-исследовательского фундаментального проекта Института химии растительных веществ АН РУз: № ФА-Ф6-007 «Исследование полисахаридов лекарственных растений и их модифицированных форм» (2017-2020 гг.)

**Целью диссертационной работы** является выделение и изучение различных групп полисахаридов *F. kuhistanica* и *F. tenuisecta*, определение физико-химических свойств, моносахаридного состава и установление структуры арабиногалактанов, выявление взаимосвязи между особенностями структуры полисахаридов и проявляемой ими биологической активности.

**В связи с этим были поставлены следующие задачи:**

выделение и установление состава различных групп полисахаридов (водорастворимые полисахариды, пектиновые вещества, гемицеллюлозы) из *F. kuhistanica* и *F. tenuisecta*. Изучение содержания углеводного комплекса надземных частей *F. kuhistanica* по периодам вегетации;

получение гомогенных фракций арабиногалактанов из водорастворимых полисахаридов *F. kuhistanica* и *F. tenuisecta*;

установление строения арабиногалактанов химическими и спектральными (ГХ, ГХ/МС, <sup>13</sup>С ЯМР спектроскопия) методами;

выявление биологической активности (пребиотическая и противомикробная активность) водорастворимых полисахаридов и пектиновых веществ. Изучение влияния структуры полисахаридов на проявляемую ими биологической активности;

получение кормовой добавки на основе водорастворимых полисахаридов *F. kuhistanica* и разработка нормативно-технической документации.

**Объект исследования.** Объектами исследования являются надземная часть *F. kuhistanica*, надземная часть и корни *F. tenuisecta*.

**Предметом исследования** являются водорастворимые полисахариды, пектиновые вещества, гемицеллюлозы, арабиногалактаны.

**Методы исследования.** В работе использованы химические методы исследования (полный кислотный гидролиз, периодатное окисление, метилирование) полисахаридов.

Аналитические методы: качественный и количественный анализ моносахаридного состава полисахаридов, титриметрические методы определения степени этерификации пектиновых веществ. Определение содержания макро- и микроэлементов.

